

**Мажидов Ж.К. – ТМИ, катта илмий
ходим-изланувчisi**

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАР ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада тижорат банклари активлар портфелини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилиша қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: актив, асосий воситалар, диверсификация, инвестиция, инвестиция портфели; кредит, кредит портфели, кассали активлар, номоддий актив, фоиз ставкаси, қимматли қофоз.

В данной статье выявлены проблемы, связанных с формированием портфеля активов коммерческих банков и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: актив, основные средства, диверсификация, инвестиция, инвестиционный портфель, кредит, кредитный портфель, кассовые активы, нематериальный актив, процентная ставка, ценная бумага.

In this article the problems related to the formation of commercial banks' asset portfolio and developed research proposals to address these problems

Key words: assets, fixed assets, diversification, investment, investment portfolio, credit, loan portfolio, cash assets, intangible assets, interest rate, securities.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиёти тажрибалари кўрсатадики, тижорат банклари активлар портфелини тўғри ва самарали шакллантириш банк активларининг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Банк активларининг оқилона таркибини шакллантириш, рискларнинг даражасини ошишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг даромадлилиги ва ликвидлилиги ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш имконини беради. Шу сабабли, тижорат банклари активлар портфелини шакллантириш масаласини илмий асосда тадқиқ этиш Республикамиз банк амалиёти учун муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Таҳлилни тараққий этган мамлакатлар тижорат банклари активлари таркибининг таҳлилидан бошлаймиз ва таҳлил натижаларига асосланган ҳолда тегишли хулосаларни шакллантирамиз.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Deutsche Bank активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни қимматли қофозларга қилинган инвестициялар, иккинчи ўринни кредитлар эгаллайди. Бу эса, тижорат банклари активлар портфелининг кредит портфели ва инвестиция портфелидан иборат эканлигини кўрсатади ва улар учун актив операцияларнинг асосий турлари – кредитлар бериш ва қимматли қофозларга инвестиция қилиш эканлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотлари кўрсатадики Bank of America активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни эса, қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар эгаллайди.

1-жадвал маълумотларидан қўринадики, ҳар иккала банкда пул шаклидаги кассали активлар брутто активлар ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, кассали активларни даромад келтирмайдиган ва даромадлилик даражаси паст бўлган активлардан иборат эканлиги билан изоҳланади. Масалан, тижорат банкининг кассасидаги нақд пуллар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади. Шунингдек, Германия Марказий банки (Бундесбанк) тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдигига фоиз тўламайди.

1-жадвал


Deutsche Bank (Германия) ва Bank of America (АҚШ) активларининг таркиби, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига [1]

фоизда

Активлар таркиби	Deutsche Bank	Bank of America
Кассали активлар	6,7	7,4
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	58,4	18,9
Кредитлар	26,3	42,1
Асосий воситалар ва номоддий активлар	7,9	26,5
Бошқа активлар	0,7	5,1
Активлар – жами	100,0	100,0

Келтирилган маълумотлардан кўринадики, асосий воситалар брутто активлар ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди. Бу эса, асосий воситаларни даромад келтирмайдиган актив эканлиги билан изоҳланади. Бироқ, асосий воситалар тижорат банкларининг қўшимча капитали миқдорини кўпайишига хизмат қилиши мумкин. Чунки, қайта баҳолаш захираси тижорат банкларининг иккинчи даражали капитали таркибига киради.

Кредитлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, улардан олинадиган даромадлар ҳам банкларининг ялпи даромади ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига, Bank of America ялпи даромади ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг салмоғи



1-расм. Bank of America ялпи даромади ҳажмида кредитлардан ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинган даромадларнинг салмоғи, фоизда [2]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2013-2015 йилларда Bank of America ялпи даромадларининг умумий ҳажмида кредитлардан олинган фоизли даромадлар ва қимматли қоғозларга қилинган инвестициялардан олинган даромадларнинг салмоғи юқори бўлган. Бу эса, мазкур активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлигидан ва активлар портфелини самарали бошқарилаётганлиги билан изоҳланади.

Тарақкий этган мамлакатларда тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация қилинганлиги (одатда, бир тармоқ ёки соҳага берилган кредитларнинг банк кредит портфелидаги салмоғи 15 фоиздан ошмайди), кредит ва фоиз рискини бошқариш тизимини яхши йўлга қўйилганлиги, ходимларнинг профессионал тайёргарлигининг юқори эканлиги кредитлардан олинадиган даромадларнинг барқарорлигини таъминлаш имконини бермокда.

Шунингдек, хорижий банкларда кредитлардан кўрилган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меърий даражада (тижорат банки активларининг ўртача суммасига нисбатан 0,5%) бўлишига алоҳида эътибор қаратилади.

Биз қўйида республикамизнинг айrim банклари активлар портфелининг таркибини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

АТ “Асакабанк” ва АТ “Микрокредитбанк” активларининг таркиби, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига [3]

фоизда

Активлар таркиби	Асакабанк	Микрокредитбанк
Кассали активлар	25,4	19,9
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	0,9	0,2
Кредитлар	70,6	72,8
Асосий воситалар ва номоддий активлар	1,4	4,6
Бошқа активлар	1,7	2,5
Активлар – жами	100,0	100,0


2-жадвал маълумотларидан кўринадики, Асакабанк ва Микрокредитбанк активларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Кассали активларни банкларнинг брутто активлари ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши улар активларининг даромадлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, Асакабанк ва Микрокредитбанкда қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг жуда кичик эканлиги уларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион фаолиятини ривожланмаганигидан далолат беради ва банкларнинг активлар портфелини шакллантиришдаги жиддий камчиликлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини профицит билан бажарилаётганлиги сабабли ҳукумат қимматли қоғозларини эмиссия қилиш амалиётининг мавжуд эмаслиги республикамиз тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга инвестиция қилиш имкониятини кескин чекламоқда. Ҳолбуки, тарақкий этган мамлакатларда ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар ҳисобидан тижорат банкларининг жорий ликвидлилиги таъминланади.

Ҳар иккала банкда кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг юқори эканлиги, фикримизча, уларнинг кредитлаш салоҳияти юқори, деган хulosани шакллантириш имконини бермайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур банкларда инвестиция портфели деярли шаклланмаган; иккинчидан, брутто активлар ҳажмида кассали активларнинг салмоғи нисбатан жуда юқоридир.

Қайд этиш жоизки, кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминлаш кредит рискини бошқаришнинг самарали усуllibаридан бири ҳисобланади. Республикамизда эса, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги активлар портфелини шакллантириш борасидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.



2-расм. АТ “Асакабанк” кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра таркиби, фоизда (2016 йилнинг 1 январь ҳолатига) [4]

2-расм маълумотларидан кўринадики, Асакабанк кредит портфелининг диверсификация даражаси жуда паст. Саноат соҳасига берилган кредитларнинг банк кредит портфелидаги салмоғи 70 фоиздан юқоридир. Бундай шароитда Асакабанк ҳар доим юқори кредит риски таъсирида бўлади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришга салбий таъсири кўрсатмоқда. Яъни, мажбурий захира ставкаларининг нисбатан юқори эканлиги ва захира ажратмалари суммасини банкларнинг вакиллик ҳисобрақмидан олиб қўйилаётганлиги банкларнинг ликвидлигини пасайишига сабаб бўлгани ҳолда, уларнинг актив операциялари ҳажмини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, республикамизда миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги банкларнинг кредит портфели сифатига нисбатан салбий таъсирини юзага келтирмоқда. Хусусан, миллий валютанинг юқори девальвация суръати инвестицион лойиҳаларни хорижий валюталардаги банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш амалиётига салбий таъсири кўрсатмоқда.

Агар 2000 йил якунида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 325,00 сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилнинг охирига келиб, 2810,00 сўмни ташкил этди. Демак, мазкур давр мобайнида сўмнинг қадрсизланиш суръати 8,6 марта ташкил қилди [5].

Миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан юқори даражада қадрсизланиши ҳар қандай рентабелли лойихани норентабел лойихага айлантириб қўйиши мумкин.

Тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан яна бири – бу тижорат банклари депозитларининг етарли эмаслигидир.

Тижорат банклари брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг салмоини юқори эканлиги уларнинг депозит базасини етарли эмаслигидан далолат беради. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, трансакцион депозитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмофи Савдогарбанкда 62,6 фоизни, Ипак Йўли банкида 69,5 фоизни, Саноатқурилишбанкида 84,6 фоизни ташкил этди [6]. Ҳолбуки, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмофи 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Айни вактда, республикамиз тижорат банкларида кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг умумқабул қилинган меъёрий даражадан (0,5%) юқори эканлиги ҳам активлар портфелини шакллантириш жараёнинга нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида банклар активларини бошқариш стратегиясини қуидаги усуллар воситасида такомиллаштириш зарур:

– барқарор молиялаштириш манбалари ҳисобидан корпоратив қимматли қофозларга қилинган инвестициялар ҳажмини ошириш (банкларнинг қимматли қофозлар портфелини диверсификация қилиш бўйича халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган мезонларга риоя қилган ҳолда);

– талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор қолдиғи ҳисобидан юқори ликвидли қимматли қофозлараг қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш;

– банклар кредит портфелининг диверсификация даражасини мижозларнинг тармоқ хусусиятига бўйича халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий даражадан (25%) ошиб кетмаслигига эришиш;

– кассали активларнинг тижорат банклари брутто активлари ҳажмидаги салмоини актив ва пассивларни бошқаришнинг “активларни тақсимлаш” усули қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда пасайтириш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Deutsche Bank. Annual Report 2015. Frankfurt am main, 2016. – P. 247.; Bank of America. Annual report 2015. – P.132. www.bankofamerica.com.
2. Bank of America. Annual report 2015. – P.130. www.bankofamerica.com.
3. АТ “Асакабанк” ва АТ “Микрокредитбанк”нинг 2015 йил якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

4. АКБ «Асака». Консолидированная финансовая отчетность и отчет независимых аудиторов. – С. 39. www.asakabank.uz/tu
5. Пул-кредит сиёсати. www.cbu.uz
6. Савдогарбанқ, Ипак йўли банки, Саноатқурилишбанкининг “Банк ахборотномаси” газетасининг 2015 йил 18 февралдаги ва 30 апрелдаги сонларида эълон қилинган молиявий ҳисботларининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.